

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 15-16-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (51-52)
ТЎПЛАМИ 2002 й.
август

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўпلامнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

115. «2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 7 августдаги ПФ-3112-сон Фармони
116. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 7 августдаги ПФ-3113-сон Фармони
117. «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги ПФ-3114-сон Фармони
118. «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги ПФ-3122-сон Фармони

Учинчи бўлим

119. «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги 279-сон қарори
120. «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

- 2002 йил 5 августдаги 280-сон қарори
121. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 13 апрелдаги 143-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 7 августдаги 284-сон қарори
 122. «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарори
 123. «Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар қаровсизлиги ва улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 августдаги 301-сон қарори
 124. «Ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган зоналарга республика аҳамиятига эга бўлган алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 августдаги 302-сон қарори
 125. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 августдаги 305-сон қарори
 126. «Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 августдаги 309-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

115 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида

Илмий ва муаллим кадрлар меҳнатини қўшимча равишда рағбатлантириш, илмий ходимларнинг, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари муаллимларининг ижтимоий-маиший ҳамда моддий турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари илмий ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,2 баробар кўпайтирилсин.

2. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари муаллимларининг педагогик юктамалари қуйидагича белгилансин:

бошланғич синфларда — ҳафтасига 18 соат;

юқори синфларда — ҳафтасига 20 соат;

академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида — йилига 800 соат.

3. Ушбу Фармонга мувофиқ иш ҳақини ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар дарс соатларининг ўзгаришини эътиборга олган ҳолда республика Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, ўз қарамоғида бюджет маблағлари ҳисобидан молияланадиган таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот муассасаларига эга бўлган вазирликлар ҳамда идоралар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ҳафта муддатда умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари муаллимларининг, илмий ходимларнинг янги иш ҳақи миқдорларини тасдиқласинлар;

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб синфлар (гуруҳлар) тўлдирилишининг амалдаги нормативларига риоя этилган ҳолда синфлар ва гуруҳлар шакллантирилиши ҳамда ўқитувчилар ва муаллимларнинг иш ҳақи тарифлари ўз вақтида белгиланишини таъминласинлар.

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 2 июндаги 12-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги 93-сон Фармонининг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 7 август,
ПФ-3112-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

116 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонининг 4-бандига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

иккинчи хат бошидаги «ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларини» ва «ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларига (шартномалар ким билан тузилганига қараб)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хат бошидаги «ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари — Уй-жой эгалари кенгашлари», «ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг», «уй-жой мулкдорлари ширкатига бириктирилган ҳудудларни» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 7 август,
ПФ-3113-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

117 Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида

Пахта экадиган хўжаликларнинг ички ва ташқи бозорларда барқарор харидор-гир юқори сифатли рақобатбардош пахта етиштиришни кўпайтиришдан иқтисодий рағбатлантирилишини кучайтириш, нарх белгилашнинг бозор иқтисодиёти талаб-ларига жавоб берадиган жаҳон амалиётида қабул қилинган меъёр ва тамойиллари-ни кенг жорий этиш мақсадида:

1. Пахта хомашёсига ички харид нархлари ҳамда экспортга ва республика истеъмолчиларига етказиб берилаётган пахта толасининг улгуржи нархлари жаҳон бозорида шаклланаётган пахта нархи конъюнктурасига мувофиқ белгиланиш тартиби ўрнатилсин. Пахта хомашёси нархини шакллантиришда уни ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, шунингдек уни қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш харажатларининг қопланишини ҳисобга олиш зарур.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ҳар йили янги ҳосил пахтасига нарх белгилашда, шартнома ва контракт мажбуриятларини имзолашда мазкур Фармоннинг 1-бандида белгиланган пахта хомашёсига харид нархлар ва пахта толасига улгуржи нархларни шакллантириш механизмига қатъий амал қилсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси икки ҳафта муддатда пахта хомашёсига харид нархларни ва пахта толасига улгуржи нархларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 20 август,
ПФ-3114-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

118 Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқларини, хусусан кичик ва ўрта бизнесни замонавий технология ускуналари билан жиҳозлашда, шунингдек мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчила-

ри томонидан тайёрлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва техникани сотишда лизинг фаолияти ролини ошириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

лизинг тўловлари — қўшилган қиймат солиғидан:

лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари — вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилинадилар;

лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги билан бирга амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда агар лизинг олувчи лизинг шартномаси бўйича мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда лизинг берувчининг лизинг олувчидан лизинг объектини олиб қўйиш тартибига оид таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси бир ҳафта муддатда тегишли норматив ҳужжатларга мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда киритсинлар.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

6. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 28 август,
ПФ-3122-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

119 Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика аҳолисининг бадий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётга, мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларнинг янги авлод дарсликлар ва ўқув адабиётига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек китоб савдоси тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Китобсавдо» акциядорлик жамиятларининг очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясига китоб маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишни ташкил этишни мувофиқлаштирувчи функцияси юклансин.

2. Қуйидагилар «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика китоб бозори конъюнктураси маркетингини амалга ошириш, аҳолининг китобларга ва бошқа босма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари мониторингини ташкил этиш, уларнинг натижаларини нашриётлар ва истеъмолчиларга етказиш;

китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш, шунингдек дарсликлар ва ўқув адабиётига буюртмаларни шакллантиришда иштирок этиш;

республика ҳудудида китоб дўконлари тармоғини қулай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

китоблар ва бошқа босма маҳсулотлар жойлардаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш, шунингдек уларни сотишни ташкил этиш;

китоб маҳсулотлари кўرғазма-ярмаркалари ташкил этиш, шунингдек халқаро ярмаркаларда қатнашиш.

3. Қуйидагилар:

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

ходимларининг чекланган сони 18 нафар бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг ижро этувчи аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати харажатлари унинг хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобига таъминланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг устав фонди «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг акциялари давлат пакетлари, шунингдек «Ўздавкитобсавдотаъминоти» акциядорлик жамияти мол-мулкнинг бир қисми ҳисобига шакллантирилади.

5. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этишга доир ком-

плекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун 3-иловага* мувофиқ таркибда махсус комиссия ташкил этилсин.

Махсус комиссия бир ой муддатда «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин, таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, устав фонди ва муассисларнинг улушлари миқдорлари белгиланишини, таъсис йиғилиши ўтказилишини ва компания устави белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин. Амалга оширилган ишлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бир ой муддатда шаҳарлар ва туманларда 4-иловага* мувофиқ қўшимча равишда очиладиган янги китоб дўконлари жойлаштирилишини белгиласинлар ва уларни китоб маҳсулотларини сақлаш ва сотиш учун яроқли бўлган бинолар билан таъминлаш масалаларини ҳал этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси китоб дўконлари очиш учун давлат мулки ҳисобланган бинолар тақдим этилган тақдирда, 2002 йил охиригача уларни қайта баҳоласин ва «Китобсавдо» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улуши тегишлича кўпайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вазирликлар ва идоралар 2002/2003 ўқув йили бошлангунга қадар тегишли ўқув юртлари ҳудудларида мазкур ўқув юртининг йўналишига ихтисослаштирилган китоб савдоси шохобчаларини очсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда илгари хусусийлаштирилган китоб дўконлари томонидан савдо ихтисоси сақлаб қолиниши тўғрисида тузилган шартномаларга риоя этилишини хатловдан ўтказсин. Қоида бузилиши аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан мулкка эгалик ҳуқуқини берувчи давлат далолатномасидан белгиланган тартибда маҳрум қилишгача бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар қўллансин.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш механизмини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

10. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси, Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази республика нашриётлари билан биргаликда бир ой муддатда:

аҳоли, айниқса ёшлар орасида миллий ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш;

бадий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий адабиётга бўлган талабни мунтазам ўрганиш;

китоб маҳсулотлари мамлакатимиз нашриётлари томонидан чоп этилишини кенгайтириш ҳисобига аҳолининг мавжуд эҳтиёжини қондириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон матбуот ва ахо-

* 3, 4-иловалар берилмайди.

рот агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда республикада ва чет элда босиб чиқарилаётган бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий адабиётлар, шунингдек мактаб ўқув анжомлари ва кўргазмали қўлланмаларнинг ярмарка-кўргазмалари мунтазам ўтказилишини (бир йилда камида бир марта) таъминласин.

11. Белгилансинки, китоб савдоси улгуржи ташкилотлари қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилади.

12. «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар, А. Навоий кўчасидаги 30-уйга жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.


14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 3 август,
279-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 3 августдаги 279-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг
ташкилий тузилмаси**



Изоҳ:* Янги очиладиган китоб дўконлари сони — 152

Фаолият кўрсатаётган китоб дўконлари сони — 186

Жами — **338**

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 3 августдаги 279-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компанияси ижро
этувчи аппарати тузилмаси**



Ходимларнинг умумий сони — 18 нафар (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

120 Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизimini кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари дастури иловага* мувофиқ маъқулансин.

* Илова берилмайди.

2. Белгилансинки, 2002 йил 5 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса гуруҳи таркибига давлат солиқ хизматининг инкасса қилинадиган объектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари мажбурий тартибда киритилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумни топшириш қоидаларига риоя қилинишини режадан ташқари тезкор текширишларни амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари белгиланган савдо ва нақд тушумни топшириш қоидалари бузилишининг солиқ органлари томонидан аниқланган ҳоллари бўйича чакана савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларнинг амал қилишини тўхтатишгача бўлган қаттиқ чоралар кўрсинлар.

3. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидаги ўз ҳисоб рақамларидан нақд маблағларни топширилган нақд тушум доирасида белгиланган тартибда биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқи берилсин.

4. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтирилаётган маблағларнинг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинсин.

Белгилансинки, 2002 йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар юридик шахслар ёлланиб ишловчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида ҳисобланган ва амалда тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ушбу даромадлардан солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда тақдим этиладилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки бир ой муддатда алоҳида йирик миқдордаги пул маблағлари муомаласи, шу жумладан нақд пул берилиши бўйича ахборотларни электрон айирбошлаш тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

6. Турғун савдо ва хизматлар кўрсатиш шохобчалари орқали аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан корхоналар ва ташкилотлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган савдо қоидалари бузилганлиги учун жавобгарликнинг қуйидаги чоралари белгилансин:

нақд пул тушуми яширилиши ҳолати аниқланган тақдирда солиқ органининг қарорига кўра яширилган нақд пул тушуми миқдорида белгиланган тартибда жарима ундирилади;

назорат-касса машиналари қўлланилмасдан, кўчирма ёки бундай ҳужжатлар бериш мажбурий бўлган тақдирда қвитанцияларнинг кўчирмасисиз, талонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар берилмасдан савдо қилинганда ва хизматлар кўрсатилганда ундирилган сумма давлат бюджетига йўналтирилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдорида жарима ундирилади, жарима жазолари қўлланилгандан кейин бир йил мобайнида такрорий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда — энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида жарима ундирилади.

7. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарори билан белгиланган юридик шахслар (товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни улгуржи етказиб берувчилар) томонидан товарларни улгуржи сотиш тартиби бузилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан ушбу фаолиятдан олинган бутун даромад (фойда) ундириб олинади ва айбдор мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган ҳолда шу миқдорда жарима солинади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя этилиши таъминланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, бунда товарларни нақд пулга улгуржи сотишга йўл қўймасликка, назорат-касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилинишига алоҳида эътибор берилсин. Айбдор шахсларга нисбатан жиноий жазога тортишгача қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари Молия вазирлиги билан биргаликда 2003 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрида тажриба тарзида пластик карточкалардан фойдаланиш йўли билан иш ҳақи тўлашга босқич-ма-босқич ўтишни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда 2002 йил 1 октябргача кредит пластик карточкаларни муомалага чиқариш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

Тижорат банклари чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш сифатида пластик дебет карточкалари қабул қилинишини таъминловчи терминаллар тармоғини кенгайтирсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма дўконлари очиши чора-тадбирларини кўрсин, улар аҳоли зич жойлашган туманларда, бозорларда ва оммавий савдо қилинадиган бошқа жойларда жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки «Ўзтеле-радио» компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда банкдан ташқари муомалани чеклаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг муҳимлиги ва мазмунини, солиқ ҳақидаги қонунлар бузилишига йўл қўйилмаслиги ва солиқ тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазонинг муқаррарлигини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсинлар.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот берилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 5 август,
280-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

121 **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 13 апрелдаги 143-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида**

Даврий матбуотни махсус автотранспорт билан ташиш ташкил этилиши муносабати билан, уни аҳолига ўз вақтида етказиш ва ташишни тезлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 13 апрелдаги 143-сон қарорининг 2-бандидаги «авиация ва темир йўлда» сўзлари «авиация, темир йўлда ва махсус автотранспортда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Белгилансинки, 2002 йилда даврий матбуотни махсус автотранспортда ташиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизини қоплаш харажатлари Давлат бюджетидан «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар лимитини кўпайтирмасдан Давлат бюджетининг 2002 йилга тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 7 август,
284-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

122 Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ва республикага истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёр истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга сўмларни эркин муомаладаги валютага конвертация қилишнинг устувор ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш механизми бекор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмол товарлари ва дори-дармонларни импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотлар учун биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиб олишга ваколатли банкларга ҳар чораклик лимитлар бекор қилинсин.

3. Белгилансинки, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига барча истеъмол товарлари олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификати тақдим этилган тақдирда йўл қўйилади.

4. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган барча юридик ва жисмоний шахсларга:

божхона чегараси орқали истеъмол товарларини олиб келишда божхона тўловлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш;

олиб келинаётган истеъмол товарларига мувофиқлик сертификатини тақдим этиш;

турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлаш ва нақд савдо тушумини ҳар куни банкларнинг кассаларига мажбурий топшириш қоидаларига қатъий риоя қилиш каби халқаро амалиётда умумий қабул қилинган нормаларга риоя этилган тақдирда истеъмол товарларини республикага импорт қилиш ва уларни сотиш ҳуқуқи берилсин.

5. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарлари тузилган шартномалар асосида фақат ўзининг расмий эълон қилинган дистрибьюторларига, шунингдек назорат-касса машиналаридан мажбурий фойдаланилган тақдирда турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи сотилади;

импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни улгуржи сотиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштирувида ўзининг расмий дистрибьюторлари рўйхатини тақдим этиши шарт;

улгуржи савдо субъектларининг дистрибьюторлари назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчасига эга бўлишлари керак;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.

истеъмол товарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ёки жисмоний шахслар томонидан фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш шаклида улгуржи сотилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзларининг расмий дистрибьюторлари сифатида эълон қилинмаган, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчаларига эга бўлмаган жисмоний шахсларга истеъмол товарларини улгуржи сотиши тақиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги улгуржи ва улгуржи-чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишда кўрсатиб ўтилган тартибга қатъий амал қилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси улгуржи сотиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларини божхонада расмийлаштиришда белгиланган тартибга қатъий риоя қилсин.

6. Белгилансинки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг буюм бозорларида импорт истеъмол товарлари фақат юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган ва экспорт-импорт операцияларини ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда сотилишига белгиланган тартибда йўл кўйилади. Бунда улар томонидан истеъмол товарларини назорат-касса машиналари қўлланилмасдан сотишга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюм бозорларида истеъмол товарларини сотишнинг кўрсатиб ўтилган тартибга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари савдо қилувчи ташкилотлар томонидан белгиланган савдо қодаларига риоя этилиши ва истеъмол товарларини сотишдан тушган нақд савдо тушуми ҳар куни банкларнинг кассаларига тўлиқ топширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

8. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар ёрликларида (этикеткаларида) Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида товарнинг хусусиятлари тўғрисидаги ахборот ва уларни қўллаш, улардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар мавжуд бўлмаган эркин муомалага чиқаришга мўлжалланган истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиши тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўздавстандарт» маркази Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларнинг айрим турларини маркалаштириш тартиби тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополияга қарши қонунчиликка қатъий риоя қилиниши, истеъмол товарлари бозорида рақобат муносабатлари самарали ишлаши, нархлар сунъий равишда оширилишига, ноҳалол рақобатга, энг аввало, товарларнинг тайёрланиш жойи, истеъмол хусусиятла-

ри ва сифати юзасидан истеъмолчилар чалғитилишига йўл қўйилмаслиги устидан қатъий назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макро-иқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 20 сентябргача бўлган муддатда:

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари ва дори-дармонлар импор-тини тариф билан ва нотариф бошқариш тизимини жорий этишни;

импорт истеъмол товарлари тендер асосида олиб келинишини назарда тутувчи механизмни ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар.

11. Белгилансинки, юридик шахслар томонидан республикага технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар сифатида олиб келинаётган ноозик-овқат то-варлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарори билан бел-гиланган товар божхона қийматининг 30 фоизи миқдорида истеъмол товарлари им-порти учун йиғимдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Мак-роиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бош-қа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тайёр маҳсулотларни технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар қаторига киритишни аниқ чекловчи қондани икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўми-таси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 1 декабр-гача бўлган муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизи-мини яратсинлар.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 июлдаги 305-сон қарорининг 2-бан-ди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идо-ралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-сининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 20 август,
295-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

123 Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар қаровсизлиги ва улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги қарорининг бажарилишини таъминлаш, Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар қаровсизлигини, улар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига қарашли Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази тугатилсин ва унинг негизида Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тасарруфидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ташкил этилган Марказ вояга етмаганлар ўртасида қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини амалга оширувчи, уларга тарбиявий таъсир кўрсатувчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига жойлаштириш учун жўнатиладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш учун бошқа давлатларнинг шундай муассасаларидан келтириладиган вояга етмаганларни қабул қилувчи муассаса ҳисобланади.

2. Ички ишлар вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Марказ ходимларининг штат жадвалини асосланган ҳисоб-китоблар асосида икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги ўн кун муддатда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг биноси, мол-мулки ва транспорт воситалари Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси тасарруфидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази балансига берилишини таъминласинлар.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда маҳаллий бюджет ҳисобидан Марказ биносини таъмирлаш ишлари тугаланишини, Марказга зарур бўлган барча воситалар, анжомлар, буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак берилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 26 август,
301-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

124 Ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган зоналарга республика аҳамиятига эга бўлган алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш тўғрисида

«Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида» 1999 йил 20 октябрдаги 469-сон ва «Зарафшон дарёси ҳавзасида экологик ва санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш тўғрисида» 2001 йил 4 октябрдаги 401-сон қарорини бажариш юзасидан, Самарқанд, Андижон, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида ишлаб турган ва потенциал ичимлик сув манбаларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ер ости чучук сувлари ҳосил бўладиган қуйидаги зоналарга алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақоми берилсин:

1-иловага* мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича 46467,2 гектар майдондаги «Ҳозирги Зарафшон дарёси водийси» зонаси (Юқори Зарафшон, Чўпонота, Қундуз, Қорадарё, Дамхўжа участкалари);

2-иловага* мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича 25303 гектар майдондаги Ўш-Аравон зонаси (Мундуз, Пахтакор, Охчин участкалари);

3-иловага* мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича 5685 гектар майдондаги Норин зонаси (Жийдакапа участкаси);

4-иловага* мувофиқ ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича 17036 гектар майдондаги Китоб-Шаҳрисабз зонаси (Китоб, Яккабоғ участкалари).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2002 йил 1 декабрдаги муҳофаза этиладиган зоналар чегараларида жойлашган потенциал экологик хавфли объектларни аниқласин.

3. Самарқанд, Андижон, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ер ресурслари давлат қўмитаси билан биргаликда, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда, 2003 йил 1 январгача аниқланган потенциал экологик хавфли объектларда ер ости чучук сувлари ифлосланиши ва саёзланишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар, зарурат бўлганда, уларни муҳофаза этиладиган зона чегарасидан ташқарига чиқарсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Самарқанд, Андижон, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 1-4-иловаларда кўрсатилган юридик шахсларнинг мулкчилик шакллари, идоравий мансублиги ўзгарган, шунингдек улар қайта ташкил этилган тақдирда, қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари ва бошқа объектлар рўйхатига тегишли аниқликлар киритсин, шунингдек бир ой муддатда ер ости чучук сувлари ресурслари назорат қилиниши ва

* Иловалар берилмайди.

улардан оқилона фойдаланилиши учун масъул бўлган ваколатли давлат органларини бундан хабардор қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар — Ўш-Аравон, Норин, Китоб-Шаҳрисабз ер ости чучук сувлари ҳосил бўлиш зоналари ва «Ҳозирги Зарафшон дарёси водийси» доирасида ер ости чучук сувлари ресурсларидан оқилона фойдаланилиши ва уларнинг ифлосланишдан муҳофаза қилиниши устидан доимий назоратни амалга оширсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Юсупов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 26 август,
302-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

125 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 3 июлдаги ПФ-3103-сон Фармонининг 6-бандини ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 3 июлдаги 241-сон қарорининг 14-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 28 август,
305-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 28 августдаги 305-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 16-модда; 1999 й., 3-сон, 12-модда; 2000 й., 10-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 4-банди ўн тўққизинчи хат бошидаги «Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ноширлик фаолияти билан шуғулланиш масалаларини тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 11 августдаги 393-сон қарори 4-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 52-сон қарори 6-бандидаги «Давлат матбуот қўмитасига» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарорига 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда)нинг 1, 2, 3 ва 5-бандларидаги «Қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши учун масъул бўлган давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг номи» устундаги «Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда)нинг 8-бандидаги «Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялар бланкларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лицензиялар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 78-модда)нинг 4-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 341-сон қарорининг 4, 6, 7 ва 8-бандларидаги Давлат матбуот қўмитасига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига кўрсатмалар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

126 Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Микрокредитлашнинг янги усуллари жорий этиш йўли билан аҳолининг тадбиркорлик фаолиятида янада фаол қатнашиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, шунингдек аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини қўллаб-қувватлаш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун донор ташкилотларнинг маблағларини кенг жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгашининг иловага мувофиқ халқаро молия ташкилотлари, хорижий ҳукуматга қарашли ва ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотлар (донор ташкилотлар)нинг беғараз маблағларини (грантларини) жалб этиш йўли билан микрокредитлаш тизимини ривожлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш дастурларини ривожлантиришнинг, шунингдек донор ташкилотлар иштирокидаги лойиҳаларнинг мувофиқлаштирувчиси этиб белгилансин, унга микрокредитлаш лойиҳалари бўйича ахборотларни ҳар чоракда умумлаштириш ва таҳлил этиш функциялари юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

микрокредитлар ҳар бир қарз олувчига эквиваленти 3 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлмаган нақд маблағ билан миллий валютада муддатлилиқ, ҳақ тўлаш ва қайтариш шартларида берилади;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари — юридик ва жисмоний шахслар микрокредитлаш бўйича қарз олувчилар ҳисобланади;

донор ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган нотижорат ташкилотлар маблағ билан таъминловчи ташкилотлар ҳисобланади;

нотижорат ташкилотларнинг ўз маблағлари, донор ташкилотлар томонидан нотижорат ташкилотларга микрокредитлаш учун бериладиган грантлар, шунингдек нотижорат ташкилотларнинг микрокредитлаш билан боғлиқ фаолиятдан олинadиган даромадлари микрокредитлаш маблағлари манбалари ҳисобланади;

қарз олувчиларни танлаш, микрокредитлаш лойиҳалари доирасида уларга маблағлар бериш ва маблағларни қайтариш тартиби маблағ билан таъминловчи ташкилотлар томонидан белгиланади;

донор ташкилотларнинг микрокредитлаш манбаи сифатида фойдаланиладиган эркин алмаштириладиган валютадаги грант маблағлари тегишли ваколатли банкнинг корреспондентлик ҳисоб рақамига ўтказилади ва банклараро валюта савдоларида белгиланган тартибда сотилиши керак;

микрокредитлаш учун миллий валютадаги нақд маблағ банклар томонидан нотижорат ташкилотларнинг ҳисоб рақамларидаги мавжуд маблағлар доирасида берилади.

4. Нотижорат ташкилотларнинг мазкур қарорга мувофиқ микрокредитлашдан олинган даромадлари 2006 йил 1 январгача даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсин, бўшаётган маблағлардан операция харажатларини қоплаш, ўз моддий-техника базасини ривожлантириш, шунингдек микрокредитлашни кенгайтириш учун мақсадли фойдаланилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2002 йил 30 август,
309-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 30 августдаги 309-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида микрокредитлашни
ривожлантиришда қатнашувчи донор ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ташкилот номи
1	АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) линияси бўйича ACD/VOCA, FINCA
2	Осиё тараққиёт банки
3	БМТнинг тараққиёт дастури (ПРООН), «Очиқ жамият» институти (Сорос жамғармаси) — маблағ билан таъминлашда қатнашиш
4	«Мурувват корпуси» халқаро мурувват ташкилоти (Буюк Британия ҳукуматининг ёрдамида)
5	Нидерландия халқаро тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (НОВИБ)
6	АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган «Биргаликдаги тараққиёт» ташкилоти (JDA)
7	JICA (Япония) линияси бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар — ўқитиш дастури
8	АҚШнинг ҳукуматга қарашли бўлмаган «Норт Вест Медикал Тим» и «Глобал Лайфлайн» ташкилотлари

